



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING
QARORI

“ 3 ” сентябрь 20 21 y

Yaypan shahri 113 sonli

Танловда голиб чиккан Нурли келажак МФЙ Худоёрхон кишлоғида яшовчи фуқаро Махкамов Маъмуржон Хасановичга С.Азизов ММТП худудидаги туман захира ер майдонидан патачилик-ғаллачилик ихтисослашувида узок муддатли ижарада фойдаланиш учун ер майдонлари ажратиб бериш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 14-сонли ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорларига асосан “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуниинг 6, 25-моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон тумани халқ депутатлари кенгаши сессисининг 30.01.2021 йилдаги № 113/18-6-сонли қарори асос ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Фуқаро Махкамов Маъмуржон Хасановичга С.Азизов ММТП худудидан № 1869-1876-1865-1618-1617-1551-1550-контурдаги 36.20 га умумий ер майдони, 35.0 га экин ер майдони, 1.20 га ариқ ва зовурлардан иборат ер майдонлари пахтачилик-ғаллачилик ихтисослашувида фуқаро Махкамов Маъмуржон Хасановичга 49 йил муддатга ижарага фойдаланиш учун ажратиб берилсин ҳамда ер участкасини узок муддатга ижарага олиш шартномаси расмийлаштириш вазифаси Кадастр агентлигининг Ўзбекистон туманбўлими бошлиғи А.Ражабовга юклатилсин.

3. фуқаро Махкамов Маъмуржон Хасановичга ажратиб берилган ер майдонларида ноқонуний ҳолатларни бартараф қилиш чораларини кўриш фазифаси юклатилсин.

4. Туман Давлат солиқ инспекцияси Ж.Қўчқаров, туман Статистика бўлими О.Абдуллаев, Давлат хизматлари маркази директори М.Жўраевларга ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда янги ташкил этилган фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

5. Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва таъминот кишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил этилган фермер хўжалигига ажратилган ер майдонига нисбатан 2020 йил кишлоқ хўжалиги йили учун сарф қилинган харажатларини инобатга олсин, у билан контрактация, хизмат кўрсатиш ва таъминот шартномаларини қайта расмийлаштирилиши ишлари қисқа муддатда амалга оширилишини таъминлансин.

6. Бандлик, молия туман бўлимлари ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгаши билан биргаликда янги ташкил этилган фермер хўжалигида кишлоқ аҳолисини кафолатли иш ўринлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



Қ.Джураев